



ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДЛАРИ РИВОЖЛАНТИРИШИНING ИЛМИЙ- НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Хамраев Қувват Искандарович

Урганч давлат университети тадқиқотчиси, PhD

Аннотация: Ушбу мақолада инвестиция фондлари ривожланишининг илмий-назарий асослари таҳлили, шунингдек, Ўзбекистонда инновацион-инвестицион фаолликни рағбатлантириш амалиётини баҳолаш масалалари бўйича илмий хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: инвестиция фонди, инновациялар, инвестициялар, инновацион фаолият, пул маблағлари, актив, инвестор, акция, омил.

Мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларда асосий урғу иқтисодиёт молия секторини ривожлантиришга қаратилиб, иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш учун давлат улушини камайтириш асосан фонд бозори орқали амалага оширилишини инобатга олсак, мамлакатимизда ушбу бозорни фаоллашуви долзарб масалалар қаторидан ўрин олган. Шу мақсадда, «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» фармонида «мамлакатимизда капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш ҳамда йирик корхоналарни ва улардаги улушларни (акцияларни), шу жумладан фонд биржаси орқали хусусийлаштириш ва Давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини якунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улушини 60 фоизгача етказиш» ва фонд бозорига таъллуқли бошқа тадбирларни амалга ошириш орқали «иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш» муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасида инвестиция фондлари тараққиётига янгича ёндашиш зарурлигини белгиловчи, яъни инвестиция фондлари тараққиётининг илк босқичлари ва ҳозирги босқичи ҳамда ривожланиш истиқболлари билан белгиланувчи омиллар таҳлил қилинган. Шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, Россия ва бошқа инвестиция фондлари ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганилган ҳамда Ўзбекистонда амалиётида фойдаланиш имкониятлари асосланган.

Иқтисодчи олимларнинг илмий ғоялари ва назарий фикрлари таҳлиliga кўра, ҳозирги кунгача айнан «инвестиция фонди» тушунчаси бўйича илмий ва иқтисодий асосланган яхлит тушунча берилмаган. Шунингдек, инвестиция фонди тушунчаси юзасидан муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

«Инвестиция фонди» тушунчалари бўйича келтирилган иқтисодчи олимларнинг илмий ғоя ва назарий фикрлари ҳамда миллий иқтисодиётнинг ўзига хос



ривожланиши ва фаолият юритишини инobatга олган ҳолда, инвестиция фонди аҳоли ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг (инвесторларнинг) бўш пул маблағларини инвестициялаш орқали даромад (фойда) олиш мақсадида фонд бозори ва бошқа инвестиция объектларига жойлаштирувчи ихтисослашган бошқарув компаниясидир. Инвестиция фондлари фаолияти билан боғлиқ муаммоларнинг назарий, амалий ва услубий жиҳатлари У.Шарп, Г.Марковиц, Э.Фама, К.Френч, Л.Гитман ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида акс эттирилган.

МДХ давлатларида инвестиция фондлари шаклланиши ва фаолият юритиши масалалари А.Абрамов, А.Антипов, Н.Карнаухова, В.Котиков, В.Миловидов, З.Макарчук, Э.Мусаев, Е.Булатова, К.Келимбетов, С.Чебанов сингари олимларнинг ишларида тадқиқ этилган.

Шунингдек, инвестиция фондларининг қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришдаги ўрнини кучайтириш билан боғлиқ айрим масалалар ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар А.Вахабов, М.Хамидулин, М.Султонбоева, В.Котов, И.Бутиков, Ш.Шохаъзамий, М.Алиев, Н.Хусанов, С.Муминов, М.Султанов ва бошқаларнинг илмий асарларида акс этган. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестиция фондларининг соф активларини баҳолаш ва ундан самарали фойдаланишни эконометрик моделлаштириш масалалари алоҳида, мустақил илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Ўзбекистонда кейинги йилларда фаол инвестиция сиёсати доирасида молия бозорининг асосини ташкил қилувчи фонд бозорини ривожлантириш, унда аҳоли пул маблағларини инвестиция қилишда мазкур бозорда воситачилик қилувчи инвестиция фондлари фаоллигини кескин оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш зарур”. Шундан келиб чиққан ҳолда инвестиция фондлари соф активларидан самарали фойдаланиш мақсадида жараёнларни моделлаштириш услубиётини такомиллаштириш, фонднинг соф активларига таъсир этувчи омилларни моделлаштириш орқали соф активлардан самарали фойдаланиш усулини ишлаб чиқиш, соф активларига таъсир этувчи омилларнинг кўп омилли эконометрик моделини тузиш ҳамда омиллар динамикасидаги ўзгаришларни баҳолашнинг кўп вариантли прогнозларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотларни чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

Иқтисодчи олим В.М. Аскинадзининг хулосасига кўра, инвестиция фондлари фақат акциядорлик инвестиция фондлари ва ёпиқ пай инвестиция фондлари бўлиши мумкин ва улар тўғридан-тўғри инвестиция фондлари, ипотека фондлари, венчур фондлари, ижара фондлари, кўчмас мулк ва кредит фондларига тегишли категориядир.

Инвестиция фондлари фақат акциядорлик инвестиция фондлари ва ёпиқ пай инвестиция фондлари бўлиши мумкин ва улар хедж фондлар ва товар бозори фондлари тоифаларига тегишли бўлиши мумкин. Ўзбекистонлик иқтисодчи олим



М.Б. Султонбоева тадқиқотларида инвестиция фондининг фаолияти қуйидаги муносабатларни қамраб олишини асослаб беради: - инвесторларнинг пул маблағлари ва бошқа мулкларини жалб этиш; -инвесторлар мулкни ягона мулк мажмуи (фонд)да бирлаштириш ва тасарруфини инвестиция фондининг ўзига ёки ихтисослашган бошқарув компаниясига бериш; - инвестициядан олинadиган даромад (дивиденд, фоиз ва бошқ.) кўринишида ёки инвестиция объектларини қайта сотишдан фойда олиш мақсадида фонд маблағларини, диверсификация тамойилига амал қилган ҳолда, қимматли қоғозлар ва бошқа инвестиция объектларига жойлаштириш. Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, инвестиция фондлари инвестиция стратегияси ва объектига, инвесторлар танловига кўра, шунингдек, турли мамлакатлар меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларидаги фарқлар ҳисобига турлича ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражасини ошириш боришида давлатимиз раҳбари томонидан ривожланишнинг иқтисодий стратегияси пухта ишлаб чиқилганлиги, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифаларини амалга ошириш йўлларининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги кўл келмоқда. Мамлакатимизда миллий иқтисодиётни барқарор ва самарали шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар, илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини таъминлашга, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишда фаннинг ролини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, давлатнинг инновацион илмий-техник дастурлари, замонавий саноат ишлаб чиқариши, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришнинг энг муҳим илмий ва технологик муаммоларини ҳал қилишга қаратилган тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Инвесторлар учун ўз қўйилмаларининг афзалликларини ва таваккалчилик даражасини кўрсатиш мақсадида инвестиция фондларини турли хусусиятлар бўйича таснифлаш муҳим ҳисобланади. Шунингдек, инвестиция фондларини таснифлаш инвесторлар ҳуқуқлари ва хатарли қўйилмалар, даромадлилик, инвестиция фаолиятининг мақсади юзасидан тажрибасиз инвесторлар учун шаффофликни оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Гитман Л. Дж., Джонк М.Д. Основы инвестирования / Пер. с англ. – М.: Дело, 1997. – 1008 с.;
2. Шарп У. Ф., Александер Г.Ж., Бэйли Ж.В. Инвестиции / Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 2007. – 1028 с.;
3. Fama, Eugene F. and French, Kenneth R., The Equity Premium. Journal of Finance, Vol. 57, pp. 637-659, 2002.;



Google
Scholar



4. Markowitz, H.M. (March 1952). "Portfolio Selection". [The Journal of Finance](#). 7 (1): 77–91.

5. Абрамов А. Инвестиционные фонды: Доходность и риски, стратегии управления портфелем, объекты инвестирования в России. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2005. – 416 с.;

6. Антипов А. Паевые инвестиционные фонды // Финансы. – 1999. – № 1. – С. 59-60.;

7. Карнаухова Н.П. Политика Европейского Союза в сфере регулирования деятельности суверенных фондов благосостояния // Международная экономика. – 2011. – № 5. – С. 43-50.;